



**ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ  
ДЕПАРТАМЕНТИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН  
ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ**

Аманов Абдоржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги, Малака ошириш институти

профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17291903>

**ARTICLE INFO**

Received: 1<sup>st</sup> October 2025

Accepted: 5<sup>th</sup> October 2025

Published: 8<sup>th</sup> October 2025

**KEYWORDS**

*Ички ишлар вазирлиги,  
Жамоат хавфсизлиги  
департаменти,  
Хуқуқбузарликлар  
профилактикаси хизматлари,  
фуқаролик жамияти  
институтлари, ҳамкорлик,  
ижтимоий зарурат.*

**ABSTRACT**

*Мақолада Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг ижтимоий зарурати хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.*

Бугунги глобаллашув даврида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда хуқуқбузарликларга қарши кураш фаолиятини самарали ташкил этишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш ўзининг ижобий натижасини беради. Сабаби, мазкур ҳамкорлик объектив зарурат бўлиши билан бирга бошқарув субъектлари томонидан ташкил этиладиган ва тартибга солинадиган тизимли фаолият ҳисобланади<sup>1</sup>.

Жумладан, бугунги кунда юртимизда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш, мавқеини ошириш ҳамда кенг жамоатчилик яъни, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашдир. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзаёев ҳам «Хуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари

<sup>1</sup> Забелов С.М. Взаимодействие органов внутренних дел с трудовыми коллективами и общественностью в охране общественного порядка и профилактики правонарушений. - Минск, 1979. – С.7.

ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўйишни асосий вазифамиз деб ҳисоблаймиз»<sup>2</sup> деб, таъкидлаган эди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ўз зиммаларига юклатилган кенг қамровли вазифаларини тўла-тўқис ва мувофақиятли бажаришларида фуқаролик жамияти институтларига яъни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва шу каби нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашига таянишлари бугунги замон талаби десак муболаға бўлмайди.

Айтиш мумкинки, бугун юртимизда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, хусусан, ижтимоий шериклик муносабатларини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Чунки, ижтимоий шериклик муносабатларининг юксалиши ҳам иқтисодий-ижтимоий, ҳам сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан мамлакат тараққиёти учун хизмат қилади<sup>3</sup>.

Шу ўринда И. Исмоилов ушбу масала юзасидан, “ички ишлар идоралари хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, улар негизидаги жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди”<sup>4</sup> деб билдирган фикрини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, бугун Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда бевосита давлат органлари билан биргаликда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ўзининг ижобий натижасини бермоқда десак муболаға бўлмайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан мамлакатимизда мустақилликнинг илк даврлариданоқ, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига жиддий эътибор қаратган ҳолда самарали ислохотлар амалга оширилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Бугун эса, мазкур ислохотлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан янгича мазмунда изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»<sup>5</sup>ги Фармони асосида эълон қилинган «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «... ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий

<sup>2</sup> *Мирзаёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б.11.

<sup>3</sup> *Якубов Ш.* Ижтимоий шериклик – давлат ва ФЖИ ўзаро ҳамкорлигининг замонавий шакли сифатида. ИИВ Академияси Ахборотномаси. 2013, 3-сон. – Б.34.

<sup>4</sup> *Исмоилов И.* Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т., 2015. – Б. 18-19.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

фаоллигини ошириш, маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш» масалаларига алоҳида аҳамият берилганлигини қайд этишимиз лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»<sup>6</sup>ги Фармонида «Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган мақсадларга эришилганлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат йиллик муқобил ҳисоботлар тайёрлаб боровчи Мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилиги гуруҳини ташкил этиш, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш, жамоатчилик палатасининг фаолиятини самарали ташкил этиб, унинг фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаш жараёнига фаол жалб этиш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклларида қўллаб-қувватлаш ҳажмини икки баробарга ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим ташкилотлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш» каби мамлакатимиз истиқболи учун муҳим ҳисобланган жараёнларда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигига оид қоидаларнинг акс этгани бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фуқаролик жамияти институтларига кўрсатилаётган эътибор ва билдирилаётган ишончнинг намунасидир. Бошқача айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳозирги ислохотлар жараёнида, яъни, юртимиз тараққиётининг навбатдаги босқичида ҳам давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти ва зарурати янада юксалиб бормоқда. Зеро, бугунги тараққиёт, глобаллашув даври жамият ижтимоий ҳаётидаги барча субъектларни ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишини талаб қилмоқда.

Айтиш мумкинки, жамият ижтимоий ҳаётида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларнинг нормал ҳаёт кечириши учун барча зарур имкониятларни яратиш ва осойишталигини таъминлашда давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Дарҳақиқат, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий ҳаёт субъектларининг ўзаро ҳамкорлигисиз бирор бир ижобий натижага эришиш мушкул иш. Ҳозирги кунда ҳамкорликка бўлган эҳтиёжни кучайишига эса, дунёдаги глобаллашув жараёнлари ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоханг равишда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб, ушбу жараёнларга муносиб хисса қўшиб келмоқдалар.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022» – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

Шу ўринда айтиш лозимки, тегишли маъмурий ҳудудий бирликларнинг хусусиятлари ва криминоген вазиятини ўрганиш ва у ерда мазкур субъектларнинг ушбу йўналишдаги ҳамкорлигини амалга ошириш ўзига хос мураккаб жараён дир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов: «Салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоклик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининггина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак»<sup>7</sup>, – деб айна ҳақиқатни таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро самарали ҳамкорлиги мамлакатимиз ҳаёти учун ижтимоий зарурат дир. Зеро, ҳар қандай мамлакат ҳудудида аҳолининг кўпчилиги манфаатларини кўзлайдиган адолатли ижтимоий тартиботларни жорий этиш фақатгина давлат органларининг иши эмас. Тарихнинг гувоҳлик беришича, ижтимоий низоларни алоҳида ҳолда давлат ҳам, оила ҳам, бозор муносабатлари ҳам ҳал этолмайди. Фақатгина ижтимоий ҳамкорлик, яъни ижтимоий-сиёсий майдондаги турли кучларнинг конструктив мулоқотигина инсонларга хос турмуш кечириш имкониятларини бериши мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ижтимоий шериклик муносабатларини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий мақсади давлат ва «учинчи сектор» ўртасида ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни таъминлаш дир<sup>8</sup>.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ижтимоий зарурати хусусида бир қанча мутахассислар тадқиқот олиб борганликларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, хорижий олимлардан Леон Дюги ўзининг «бирдамлик» ғояси орқали давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг зарурати ва илмий-назарий аҳамиятини нисбатан мукамал асослайди<sup>9</sup>. Шунингдек, адабиётларда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида турли фикр ва мулоҳазаларни учратишимиз мумкин. Масалан, классик сиёсатшунослардан Ж.Ж. Руссо<sup>10</sup>нинг тадқиқотларида давлат ва жамият ўртасидаги назорат фақатгина ўзаро келишув, ҳамкорлик асосида амалга оширилиши мумкинлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. В.В. Грибнинг, «давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик жамият ҳаётидаги кўплаб муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Бу ҳамкорликнинг ҳам ҳуқуқий ҳам ташкилий-ҳуқуқий асосларини кучайтириш долзарб масалалардан биридир»<sup>11</sup>, деган фикрига қўшила миз.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. – Т., 1997. – Б. 205.

<sup>8</sup> Бегматов А. Ижтимоий шерикликнинг назарий асослари // Фуқаролик жамияти. Ўқув қўлланма. –Т., Ўзбекистон Миллий университети нашриёти. – 2016. – Б. 471.

<sup>9</sup> Дюги Л. Трактат о конституционном праве. – М., 1996.; Дюги Л. Конституционное право. Общая теория государства: Пер. с фр. – М.: Тип.т-ва И.Д.Сытина, 1908. – С. 957.

<sup>10</sup> Руссо Ж. Об общественном договоре. Трактаты // пер. с фр. – М., «КАНОН-пресс». –1998. – С. 39.

<sup>11</sup> Гриб В.В. Взаимодействие государства и гражданского общества: правовые проблемы // История государства и права. – М., 2010. – № 23. – 0,2 п.л. – С. 24-26.

Мамлакатимизда ҳам хорижий давлатлардаги каби давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ўзига хос узоқ йиллик тарихига эгадир. Аммо мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг мазкур йўналишдаги муносабатлар буткул янгича мазмун билан бойиди ҳамда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди десак муболаға бўлмайди. Бошқача айтганда, мустақил Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, кучли конституциявий давлат барпо этишга<sup>12</sup>, давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда қонун устувор-лигини таъминлашга, «кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини амалга оширишга қаратилди<sup>13</sup>. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган давр мобайнида юртимизда аҳолини қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари жадал ривожланди, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари бойитилди ҳамда уларнинг роли сезиларли даражада ошди.

Шу ўрнида юртимизда бу борада сўнгги йилларда амалга оширилган салмоқли ишларни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Буларнинг барчасини аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилишнинг кудратли омили сифатида қайд этишимиз мумкин. Ўзаро ҳамкорликдан фуқаролик жамияти институтлари ҳам, давлат ҳам бирдек манфаатдордир. Давлат органлари ўзаро ҳамкорлик орқали жамият ҳаётидаги долзарб масалалар ечимида қулайликка эга бўлса, фуқаролик жамияти институтлари эса ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда, ўз имиджи ва сиёсий майдондаги нуфузини юксалтиришга эришади<sup>14</sup>. Ушбу йўналишда самарали ташкил этилган ҳамкорлик давлат ва жамият ривожиди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, айрим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда, ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишда муҳим ўрин тутди<sup>15</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳеч бир субъект у давлатга қарашли ёки нодавлат бўлишидан қатъий назар бошқа тузилмалар билан ўз фаолиятига оид ижтимоий муносабатларда ҳамкорлик қилмасдан, фақат ўзининг ички имкониятларидан фойдаланиб, фаолиятининг самарадорлигини таъминлаши қийин масаладир. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ҳам ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қиладилар. Мазкур ҳамкорликнинг зарурати аввало жамият ижтимоий ҳаётида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдир. Зеро, Ички ишлар органларидаги бошқарувнинг асосий шаклларида бири – ҳамкорлик, ҳамкорликдаги фаолиятнинг

<sup>12</sup> *Отаханов Ф.Х.* Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг хусусиятлари / Фалсафа ва ҳуқуқ журнали. – 2007. – №3. – Б. 28-34.

<sup>13</sup> *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т., «Ўзбекистон». – 2010. – Б. 27.

<sup>14</sup> *Якубов Ш.У.* Ижтимоий шериклик — давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг замонавий шакли сифатида // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – 2013. – № 3 (35) – Б. 35.

<sup>15</sup> *Якубов Ш.У.* «Прокуратура органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги» мавзусидаги давра сухбати материаллари. <http://sharh.uz.jamiyat>.

асосий шартларидан бири эса ўзаро келишган ҳолда хизматни ташкил этиш ҳисобланади<sup>16</sup>.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда бугунги амалга оширилаётган ислохотлар даврида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини замонавий ёндашувлар, инновацион ғоялар асосида ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга<sup>17</sup>. Айниқса, мазкур субъектлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида самарали ҳамкорликни ташкил этиш жамият ижтимоий ҳаётида ижтимоий зарурат бўлган, ғоятда муҳим масалалардан биридир. Зеро, мамлакатимизда шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларни зарарсизлантириш ҳамда ҳуқуқбузарликларга қарши самарали профилактик ишларни олиб бориш фақат давлатнинг, яъни унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифаси бўлиб қолмасдан, ушбу ишга барча жамият аъзолари бирдек масъул бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, мамлакатимиздаги кенг қамровли ислохотлар натижасида ички ишлар органлари тизимида мазмуни ва моҳияти жиҳатидан катта ўзгаришлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шерикликни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган тизимли комплекс чора-тадбирларни, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг аҳоли тинчлигини туну-кун таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини жаҳон ҳамжамиятининг ушбу йўналишдаги илғор ижобий ютуқларини таҳлил этиб, миллий тизимимизга жорий этиш амалиётини янада жадаллаштириш лозим.

#### Адабиётлар:

1. Забелов С.М. Взаимодействие органов внутренних дел с трудовыми коллективами и общественностью в охране общественного порядка и профилактики правонарушений. - Минск, 1979. – С.7.
2. Мирзаёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – Б.11.
3. Якубов Ш. Ижтимоий шериклик – давлат ва ФЖИ ўзаро ҳамкорлигининг замонавий шакли сифатида. ИИВ Академияси Ахборотномаси. 2013, 3-сон. – Б.34.
4. Исмоилов И. Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т., 2015. – Б. 18-19.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

<sup>16</sup> Камшишиков А.П. Основы управления в правоохранительных органах. — М., 2004. – С. 27.

<sup>17</sup> Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Т. 2018 й. – Б.3.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022» – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. – Т., 1997. – Б. 205.
8. Бегматов А. Ижтимоий шерикликнинг назарий асослари // Фуқаролик жамияти. Ўқув қўлланма. –Т., Ўзбекистон Миллий университети нашриёти. – 2016. – Б. 471.
9. Дюги Л. Трактат о конституционном праве. – М., 1996.; Дюги Л. Конституционное право. Общая теория государства: Пер. с фр. – М.: Тип.т-ва И.Д.Сытина, 1908. – С. 957.
10. Руссо Ж. Об общественном договоре. Трактаты // пер. с фр. – М., «КАНОН-пресс». – 1998. – С. 39.
11. Гриб В.В. Взаимодействие государства и гражданского общества: правовые проблемы // История государства и права. – М., 2010. – № 23. – 0,2 п.л. – С. 24-26.
12. Отаханов Ф.Х. Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг хусусиятлари / Фалсафа ва ҳуқуқ журнали. – 2007. – №3. – Б. 28-34.
13. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т., «Ўзбекистон». – 2010. – Б. 27.
14. Якубов Ш.У. Ижтимоий шериклик — давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг замонавий шакли сифатида // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – 2013. – № 3 (35) – Б. 35.
15. Якубов Ш.У. «Прокуратура органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги» мавзусидаги давра суҳбати материаллари. <http://sharh.uz.jamiyat>.
16. Камишников А.П. Основы управления в правоохранительных органах. — М., 2004. – С. 27.
17. Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Т. 2018 й. – Б.3.
18. Рустамов С. Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – С. 10.
19. Qushboqov, S., & Jumashv, O. (2024). huquqbuzarliklar profilaktikasida deputatlik va parlament nazoratining o'rnini. *Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования*, 3(Махsus son 12), 54-56.
20. Qushboqov S., Xalilov J. Ma'muriy jazo tushunchasi, maqsadi va turlarining mazmun-tohiyati //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Махsus son 12. – С. 7-12.
21. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.

22. Кушбоқов Ш Т. Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
23. Алтмишев Т., Кушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – С. 112-114.
24. Кушбоқов Ш., Самадов М. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими //Solution of social problems in management and economy. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 95-98.
25. Кушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
26. Кушбоқов Ш, Т. Ж. (2023). Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 2(2), 49-55.
27. Qushboqov S. Narsani musodara qilish jazosini ijro etishning ilmiy-nazariy tahlili //Развитие педагогических технологий в современных науках. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 79-83.
28. Qushboqov S. Maxsus huquqdan mahrum etish jazosini ijro etishdagi muammolar va ularni bartaraf etishga oid takliflar //Академические исследования в современной науке. – 2025. – Т. 4. – №. 4. – С. 52-56.
29. Кушбоқов Ш. Научно-теоретический анализ исполнения наказания в виде возмездного изъятия предмета //Общество и инновации. – 2025. – Т. 6. – №. 1/S. – С. 87-90.
30. Кушбоқов Ш. Сущность понятия и виды административного взыскания //Общество и инновации. – 2024. – Т. 5. – №. 6. – С. 418-423.

ACADEMY